Агар азонни эшитсангиз, муаззин айтган нарсаларнинг айнисини айтинглар», – дедилар

Абу Саид Ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар азонни эшитсангиз, муаззин айтган нарсаларнинг айнисини айтинглар», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаззинни эшитган вақтда у айтган нарсаларни сўзма-сўз такрорлашга ундадилар. Муаззин такбир айтгач такбирни, икки шаҳодатни айтгач, икки шаҳодатни айтамиз. (Ҳаййа ъалассолаҳ ва ҳаййа ъалалфалааҳ) сўзларидан кейин «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ», – деб айтилади.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3013